



О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUG' I

20 17 yil "01" 05

№ 198

Toshkent sh.

Магистратура босқичи битирувчилари орасида келгусида таянч докторантура, докторантура ҳамда мустақил изланувчилар сафига тавсия этиладиган иқтидорли ёшларни танлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги, ПФ-4958-сонли “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш, битирувчи магистратура талабалари орасида келгусида таянч докторантура, докторантура ҳамда мустақил изланувчилар сафига тавсия этиладиган иқтидорли ёшларни танлаш мақсадида буюраман:

1. Вазирликнинг Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси (Ў.С.Исмаилов), Кадрлар билан ишлаш бошқармаси (Т.П.Хакимов):

2017 йил 8-27 май кунлари иловада келтирилган таркибдаги комиссия аъзолари томонидан якуний босқич магистратура талабаларининг магистрлик диссертацияларини химоя олди ва дастлабки экспертиза жараёнини юқори савияда ўтказиш, чет тилларини билиш даражасини аниқлаш бўйича оғзаки сўров ва ахборот технологиялари фани бўйича тест синовлари ўтказилишини таъминласин;

2017 йил 4 май кунига қадар якуний босқич магистратура талабаларининг магистрлик диссертацияларини химоя олди ва дастлабки экспертиза жараёни ўтказилиши муддатлари ва графигини ҳамда магистрлик диссертация ишлари ва унинг материалларини объектив баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин;

“Магистрлик диссертацияларни химоя қилиш дастлабки экспертиза жараёнини ўтказиш комиссиялари” раиси ва котиблари таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин;

007033 *

2017 йил 4 май кунига қадар республика тиббиёт олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва илмий-текшириш институтларининг етакчи олимларидан ва юқори малакали мутахассислардан иборат “Магистрлик диссертацияларни ҳимоя қилиш дастлабки экспертиза жараёнини ўтказиш комиссиялари” таркибини тузсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

2017 йил 5 май куни вазирликда яқуний босқич магистратура талабаларининг магистрлик диссертацияларини ҳимоя олди, дастлабки экспертиза жараёнларини юқори савияда ўтказишни ташкиллаштириш мақсадида семинар ўтказилишини таъминласин;

иктидорли магистратура битирувчиларини ОТМ/ИТИ ва ихтисослаштирилган марказларга ишга жойлаштириш жараёни назоратини таъминласин ва мониторингини олиб борсин.

2. Республика тиббиёт олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган марказлар ва илмий-текшириш институтлари раҳбарлари 2017 йил май ойида яқуний босқич магистратура талабаларининг магистрлик диссертацияларини ҳимоя олди, дастлабки экспертиза жараёнини юқори савияда ва объектив ўтказилишини таъминласин.

3. Тиббиёт олий таълим муассасалари ректорлари, филиаллар, илмий текшириш институтлари, илмий-амалий марказлар директорлари 2017 йил 15 июн кунига қадар иқтидорли магистратура битирувчиларини ОТМ/ИТИ ва ихтисослаштирилган марказларга ишга жойлаштириш режасини тасдиқласин, аниқ ва батафсил маълумотларни Фан ва ўқув юртлари бош бошқармасига тақдим этилишини таъминласин ва ҳар ой мазкур топшириқнинг бажарилиши юзасидан вазирликка мониторинг натижаларини тақдим этсин.

4. Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси (Ў.С.Исмаилов), ТГА (Л.Н.Туйчиев), ТошПТИ (Б.Т.Даминов), ТФИ (Х.К. Джалилов), ТДСИ (Ж.А.Ризаев), СамДТИ (А.М.Шамсиев), АндДТИ (в.в.б. М.М.Мадазимов), БухДТИ (в.в.б. С.Ш.Олимов), Врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш Республика маркази (А.Б.Яркулов):

2017 йил май ойи мобайнида яқуний босқич магистратура талабаларининг ахборот технологиялари фани бўйича тест синовларидан ўтказилишини таъминласин;

2017 йил 4 май кунига қадар яқуний босқич магистратура талабалари орасида ахборот технологиялари фани бўйича тест синовларини ўтказиш комиссияси аъзолигига номзодларни бошқармага тақдим этсин ҳамда комиссия таркибини тасдиқласин;

2017 йил 4 май кунига қадар яқуний босқич магистратура талабаларининг ахборот технологиялари фани бўйича тест синовлари учун

топшириклар, объектив баҳолаш мезонлари, тест синовлари ўтказилиши муддатлари ва графигини ишлаб чиқсин.

Бунда Республика врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш маркази, ТДСИ томонидан ахборот технологиялари фани бўйича тест синовлари жараёни ўтказилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилсин.

5. Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси (Ў.С.Исмаилов), ТошВМОИ (в.в.б. Х.А.Акилов), ТГА (Л.Н.Туйчиев), ТошПТИ (Б.Т.Даминов), ТошФарМИ (Х.К. Джалилов), ТДСИ (Ж.А.Ризаев), СамДТИ (А.М.Шамсиев), АндДТИ (в.в.б. М.М.Мадазимов), БухДТИ (в.в.б. С.Ш.Олимов):

2017 йил май ойи мобайнида якуний босқич магистратура талабаларининг чет тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича оғзаки сўров ўтказилишини таъминласин;

2017 йил 4 май кунига қадар якуний босқич магистратура талабалари орасида чет тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича оғзаки сўров ўтказиш комиссияси аъзолигига номзодларни бошқармага тақдим этсин ва комиссия таркибини тасдиқласин;

2017 йил 4 май кунига қадар якуний босқич магистратура талабаларининг чет тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича оғзаки сўровлар учун топшириклар, объектив баҳолаш мезонлари, сўров ўтказиш муддатлари ва графигини ишлаб чиқсин;

чет тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича оғзаки сўров ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратсин.

6. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Б.К. Юсупалиев зиммасига юклатилсин.

Вазир



А. Шадманов

“Магистрлик диссертацияларни ҳимоя қилиш дастлабки экспертиза
жараёнини ўтказиш комиссиялари” раис ва котиблари рўйхати

Магистратура мутахассисликлари бўйича комиссиялар номи	Комиссиялар раислари ва котиблари
Неврология	Бахтияр Гафурович Гафуров (раис) Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, кафедра муdiri, т.ф.д., профессор Назима Рустамовна Салимова (котиб) Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, катта илмий ходим, т.ф.н.
Кардиология	Равшанбек Давлятович Курбонов (раис) Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, директор, т.ф.д., профессор Гульноза Абдусаттаровна Хамидулаева (котиб) Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, бўлим бошлиғи, т.ф.д.
Психиатрия ва наркологиya	Улугбек Худоярович Алимов (раис) Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, кафедра муdiri, т.ф.д., профессор Шоира Мухтаровна Курбанова (котиб) Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, кафедра доценти, т.ф.н.
Фармакология ва клиник фармакология	Бахтиёр Шоабдурахмонович Шонсломов (раис) ССВ Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси, фармакологик қўмитаси раиси, т.ф.д. Зиёда Тураевна Файзиева (котиб) Тошкент фармацевтика институти, кадрлар тайёрлаш секторининг бошлиғи, т.ф.д.
Оториноларингология	Карим Джаббарович Джаббаров (раис) Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, кафедра профессори, т.ф.д. Шохимардон Ходжанович Ходжанов (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра доценти, т.ф.н.
Офтальмология	Фазилат Ариповна Бахритдинова (раис) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра профессори, т.ф.д. Эркин Назимович Билалов (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра муdiri, т.ф.д.
Юрак ва кон-томир хирургияси	Равшан Эркинович Асамов (раис) 1-РҚШ бўлим муdiri, т.ф.д. Акмал Абдуллаевич Ирناзаров (котиб) Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси ходими, т.ф.н.
Нейрохирургия	Алиходжаева Гульнарахан Алаутдиновна (раис) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра профессори, т.ф.д. Якубов Жаҳонгир Баходирович (котиб) Республика нейрохирургия илмий маркази, бўлим муdiri, т.ф.н.
Урология	Фарҳад Атауллаевич Ақплов (раис) Республика ихтисослаштирилган урология маркази профессори Аюбов Бехзод Алишерович (котиб) Республика ихтисослаштирилган урология маркази ходими т.ф.н

Анестезиология ва реаниматология	Аваков Вячеслав Ервандович (ранс) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра профессори, т.ф.д. Зокиржон Бурханович Урунов (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра доценти, т.ф.н.
Ички касалликлар, Гематология ва трансфузиология	Аляви Анис Лютфуллаевич (ранс) Терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази профессори, т.ф.д. Каримов Маъриф Шакирович (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра профессори, т.ф.д.
Эндокринология	Исмаилов Сайдиганиходжа Ибрагимович (ранс) Тошкент педиатрия тиббиёт институти, кафедра профессори Барно Хабибуллаевна Шагазатова (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра доценти, т.ф.д.
Юқумли касалликлар	Тургунпўлат Обидович Даминнов (ранс) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра профессори, т.ф.д., ЎзР ФА академиги Нигора Уткировна Таджиева (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра доценти, т.ф.н.
Гигиена	Шаҳоб Самарович Бахриддинов (ранс) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра профессори, т.ф.д. Наргиз Раимовна Самигова (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра доценти, т.ф.н.
Патологик анатомия, Нормал ва патологик физиология, Суд тиббиёти	Бахтиёр Уктамович Ирискулов (ранс) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра профессори, т.ф.д. Хасан Зияевич Турсунов (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра мудири, т.ф.д.
Биохимия, Морфология	Риҳси Абдукадировна Сабирова (ранс) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра профессори, т.ф.д., проф. Азиза Нигматовна Атажанова (котиб) Тошкент тиббиёт академияси, кафедра ассистенти, т.ф.н.
Акушерлик ва гинекология	Дилбар Қамариддиновна Нажмитдинова (ранс) Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, директор, т.ф.д., профессор Рустам Базарбаевич Юсупбаев (котиб) Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, илмий котиб, т.ф.н.
Дерматология ва венерология	Сабиров Улуғбек Юсупханович (ранс) Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази, директор, т.ф.д. Абдумалик Исмаилов (котиб) Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази, илмий котиб, т.ф.н.
Онкология, Клиник радиология, Травматология ва ортопедия, Хирургия	Андрей Васильевич Девятков (ранс) Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази, бош илмий ходими, т.ф.д., профессор Ирисов Ортиқали Тулаевич (котиб) Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ходими, т.ф.д.
Тиббий генетика, Аллергология ва иммунология	Батырбеков Акрам Анварович (ранс) Иммунология илмий маркази лаборатория мудири т.ф.д., проф Исматова Мохигул Кабуловна (котиб) Иммунология илмий маркази катта илмий ходими
Микробиология ва вирусология	Исмаилова Адолат Абдурахимовна (ранс) Иммунология илмий маркази лаборатория мудири, т.ф.д. Набиева Умида Пулатжановна (котиб) Иммунология илмий маркази катта илмий ходими, т.ф.н.

<p>Педиатрия, болалар кардиоревматологияси, неонатология, шошилич тиббий ёрдам, болалар хирургияси</p>	<p>Шарипов Алишер Мирхамидович (раис) Тошкент Педиатрия тиббиёт институти кафедра мудир, т.ф.д., профессор Агзамова Шоира Абдусаламовна (котиб) Тошкент Педиатрия тиббиёт институти кафедра доценти, т.ф.д.</p>
<p>Стоматология (йўналишлар бўйича)</p>	<p>Камилов Хайдар Позилович (раис) Тошкент давлат стоматология институти кафедра мудир, т.ф.д., профессор Шукурова Умида Абдурасуловна (котиб) Тошкент давлат стоматология институти кафедра доценти, т.ф.н.</p>
<p>Фармация (йўналишлар бўйича)</p>	<p>Тўлаганов Рустам Турсунович (раис) Тошкент Фармацевтика институти илмий ишлар бўйича проректори Юнусходжаева Нодира (котиб) Тошкент Фармацевтика институти кафедра доценти</p>